

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

УСМАНОВА ЗАХРО АБДУВАЛИЕВНА

**КАРОТИД АТЕРОСКЛЕРОЗИ ДИНАМИКАСИНИ БАҲОЛАШДА
НОТУРҒУН АТЕРОСКЛЕРОТИК ПИЛАКЧА МАРКЕРЛАРИ**

**14.00.25 - Клиник-лаборатор ва функционал диагностика
14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

УДК: 616.133.3+616.133.31]-004.6-078.33

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Medical Sciences**

Усманова Захро Абдувалиевна

Каротид атеросклерози динамикасини баҳолашда нотурғун
атеросклеротик пилакча маркерлари 3

Усманова Захро Абдувалиевна

Маркеры нестабильности атеросклеротической бляшки в
прогнозировании динамики каротидного атеросклероза..... 19

Usmanova Zakhro Abduvalievna

Markers of instability of atherosclerotic plaque in predicting the dynamics of
carotid atherosclerosis..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

УСМАНОВА ЗАХРО АБДУВАЛИЕВНА

**КАРОТИД АТЕРОСКЛЕРОЗИ ДИНАМИКАСИНИ БАҲОЛАШДА
НОТУРҒУН АТЕРОСКЛЕРОТИК ПИЛАКЧА МАРКЕРЛАРИ**

**14.00.25 - Клиник-лаборатор ва функционал диагностика
14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган. Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: Арипов Абдумалик Нигматович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Розиходжаева Гульнора Ахмедовна

тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Шек Александр Борисович

тиббиёт фанлари доктори

Усманова Дурдона Джурабаевна

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: И.П. Павлов номидаги 1-Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2017 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида атеросклероз зўрайиши ва унинг асоратлари билан боғлиқ бўлган юрак-қон томир тизими (ЮҚТТ) касалликлари асосий ўлим сабаблари ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўлим ҳолатлари ичида ЮҚТТ касалликлари етакчилик қилади (59,3%)¹. 57% дан ортиқ юрак ишемик касаллиги (ЮИК)га чалинган беморларда нафақат тож (коронар) томирларининг, балки бошқа қон томирлар ҳавзасига таалуқли, хусусан уйқу (каротид) артерияси атеросклеротик шикастланиши топилади².

Ўзбекистон Республикасининг расмий статистика маълумотларига кўра, 2005 йилда бу касалликлардан ўлим ҳолати ҳар 100 000 аҳолига 380,9 киши тўғри келади³. Булардан 91% гача ўлим тож томирлари атеросклеротик жароҳатлари билан боғлиқ¹. Республикамизда атеросклероз ва атеросклероз генезли касалликларнинг ҳавф омиллари, этиопатогенези, диагностикаси, даволаш ва профилактикасига бағишланган фундаментал ва клиник илмий ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда замонавий юқори технологияли ташхис ва даволаш усуллари жорий қилиш, маҳаллий дори воситаларининг самарадорлигини ўрганиш, ҳар бир беморга керакли дориларни танлаш имконини берувчи генетик тадқиқотлар ўтказиш борасида юқори натижаларга эришилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, йилига 7,4 миллион инсон ЮИК сабабли ҳаётдан кўз юмади⁴. Миокард инфаркти (МИ) ва инсультнинг бош сабаби атеросклеротик пиллакчалар (АСП) нотурғунлиги ҳисобланади. Шунингдек, коронар атеросклерози мавжудлиги ва МИ ривожланишининг мустақил ҳавф омили деб уйқу артерияси АСПнинг ёрилишга мойиллиги ҳисобланади. Ҳозирги кунда матрикс металлопротеиназаси (ММП-9) ва унинг тўқима ингибитори (ТИМП-1)нинг АСП нотурғунлиги патогенезидаги роли кенг муҳокама қилинмоқда. Нотурғун АСПда протеолитик фермент - ММП-9 фаоллашган макрофаглар томонидан ишлаб чиқарилади ва хужайрадан ташқари бўшлиқ таркибий қисмларининг парчаланишига олиб келади, деган фикрлар мавжуд. ММП-9 томирлар интимаси коллагенини парчалайди ва атеросклеротик пиллакчанинг катталанишига олиб келади. Бу эса пиллакча ёрилиш ҳавфини ошириб томир тромбозини чақиради. Уйқу артерияларининг нотурғун АСПсида ММП ва ТИМП орасида мувозанат бузилиши мавжуд бўлиб, ушбу маркерлар миқдорини қон плазмасида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга⁵.

¹ Курбанов Р.Д., Уринов О.У. Профилактика основных факторов риска основа снижения смертности от сердечно-сосудистых заболеваний// Здоровоохранение Узбекистана. – 2011. - № 42 (www.med.uz). ² Бокерия Л.А., Мерзляков В.Ю., Ключников И.В., и др. Хирургическая тактика при сочетанном поражении коронарных и сонных артерий// Анналы хирургии. - 2011. - № 2. - С. 59-63.

³ Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. "Здоровоохранение в Узбекистане: факты и цифры", статистический сборник. - Ташкент. - 2006. – 56 с.

⁴ <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs317/ru/> .

⁵ Sapienza P., di Marzo L., Borrelli V. et al. Metalloproteinases and their inhibitors are markers of plaque instability// Surgery. - 2005. - vol. 137.- pp. 355-363.

5

Биомаркерларнинг ЮИҚда диагностик ва прогностик имкониятини ойдинлаштириш, уларни атеросклерозда янги терапевтик нишонлар сифатида қўллаш мумкинлиги истиқболларини баҳолаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ 1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биологик маркерлар ва атеросклероз бўйича замонавий изланишлар танланган муаммонинг мураккаблиги, ўлчанаётган кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги, шунингдек атеросклеротик жараённинг мураккаб патофизиологияси билан ифодалананишини кўрсатган.

Ю.И. Рагино, А.М. Чернявский, Я.В. Полонская, А.М. Волков, Е.М. Пальцева, О.А. Овчинникова, А.О. Шевченко, Л.Р. Токлуева, В.С. Шишкина, В. Alvarez, С. Ruiz, Р. Chacón, S.H. Neo, С.Н. Cho, Н.О. Kim, А.С. Newby, J.R. Romero, R.S. Vasan, Р. Sapienza, L. di Marzo, V. Borrelli, D. Silvello, L.B. Narvaes, L.C. Albuquerque илмий ишларининг тахлили биомаркерларни атеросклероз ривожланишининг ҳавф омиллари сифатида текшириш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Кўп миқдордаги нашрлар ва изланувчиларга қарамай, АСП ёрилишига олиб келувчи патогенетик жараёнлар етарли даражада ўрганилмаган ва унчалик тушунарли эмас.

Хорижлик олимлар I.M. Loftus, A.R. Naylor, P.R. Bell, H.R. Lijnen текширувларида кўрсатилишича, ММП-9 АСПнинг бириктирувчи тўқима матрикси таркибий қисмлари, яъни IV, V, VII, X, XII коллагенлар ва эластин парчаланишида иштирок этиб, АСП нотурғунлигига олиб келади. Р. Heider, J. Pelisek, Н. Poppert, Н.Н. Eckstein маълумотларига кўра, турғун ва нотурғун стенокардияли беморларда матрикс металлопротеиназаси-9 миқдори юрак қон томирга тегишли ўлим ҳолатларининг 2,7га тенг (95%, ишонч оралиғи 1,4дан 5,0гача) нисбий ҳавфи билан боғлиқ. Плазмадаги матрикс металлопротеиназаси-9 миқдорининг ишемик инсульт ёки уйқу артерияси

стенози мавжуд беморларда юрак-қон томирга таалукли ўлим ҳолатлари билан боғлиқлиги кам ўрганилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ташхисга оид маркерларни излашга доир истиқболли йўналишлардан бири – протеом технологияларни қўллаш, А.Н. Арипов, Л.М. Фесенко изланишлари туфайли ўз ривожини топди. Улар протеом технологияларнинг асосий ғояси фақат жароҳатланган тўқималар ёки ҳужайраларда мавжуд бўладиган ва ташқи муҳитга ёки организмнинг ички муҳитига ажраладиган маълум оқсилларни идентификациялашдан иборатлигини таъкидлаб ўтишган.

J.A. Ehrin, A.M. David, M.D. Morrow, E.T. Fung, A.M. Wilson, F. Zhang маълумотларига қараганда, биомаркерлар тўплами ва индекс кўрсаткичлар

6

тиббиётда ташхисни аниқлаштириш ва прогнозлашда ёрдам учун қўллана бошланди. T.J. Wang, P. Gona, M.G. Larson Фремингем тадқиқотида юрак қон томирга оид хотима ва ўлимни прогнозлаш учун бир неча биомаркерларини бирга қўшиб қўллашди ва анъанавий биомаркерлар прогностик аҳамиятининг фақат бироз кучайишини қайд этишди. Нотурғун АСП биомаркерлари гуруҳига ва етарли прогностик қийматга эга панелни излаб янги биомаркерларни ўрганишга изланувчилар диққатини кучайтириш зарурати мавжуддир. Рандомизацияланган назорат қилинувчи тадқиқотлар ва метаанализлар аввалгидек етарли эмас. Юрак-қон томир асоратлари юқори ҳавфига эга пациентларни аниқлаш учун замонавий ҳавф шкалалар ва диаграммалар ўзининг асосий кумулятив компонентларидан бири сифатида биомаркерларни ўз ичига олиши керак. Таъкидлаш жоизки, ҳамма нотурғун АСП ҳам симптомли бўлавермайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ССВ АДСС 25 «Магистрал қон томирлар атеросклерозининг барвақт диагностика усулини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) номли Давлат илмий-техник лойиҳаси ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия тиббиёт маркази Ф5-СС-1-15825 «Болаларда қатор соматик касалликлар ривожланиш механизмида протеом ўзгаришлар» (2012-2016 йй.) лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади каротид атеросклерозли беморларда матрикс металлопротеиназалари ва уларнинг тўқима ингибиторларининг нотурғун атеросклеротик пиллакча шаклланишида ҳамда прогнозлашдаги ўрнини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қон зардобиди ММП-9, ТИМП-1 концентрациясини липид алмашинуви кўрсаткичлари ва кардиоваскуляр ҳавф омиллари билан корреляцион ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

ММП-9, ТИМП-1ни каротид атеросклерози оғирлик кўрсаткичлари билан корреляцион ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

каротид атеросклерозли беморларда томир ремоделланиши ультратовуш

кўрсаткичларини зардоб биомаркерлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; зардобда ММП-9, ТИМП-1 миқдорини каротид стенози даражаси, АСП турғунлиги ва қандли диабет мавжудлигига боғлиқ ҳолда баҳолаш; ММП-9 ва унинг тўқима ингибитори ТИМП-1 фаоллигини атеросклерознинг клиник охирги нуктаси мавжуд беморларда баҳолаш. **Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошнинг магистрал артерияларини рангли дуплекс сканерлаш усули билан аниқланган 45 дан 89 ёшгача бўлган 90 нафар уйқу артерияси атеросклеротик пиллакчалари мавжуд беморлар ва амалда соғлом кишилар олинган. Беморлар қўйилган вазифалардан келиб чиқиб гуруҳларга бўлинган.

Тадқиқотнинг предмети ММП-9, ТИМП-1, липид спектрини миқдорий аниқлаш учун веноз қон ва қон зардобини.

7

Тадқиқот усуллари. Диссертация тадқиқотлари умумклиник, функционал, лаборатор текширувлар (биокимёвий, иммунофермент таҳлил), статистик усуллари асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ММП, ТИМП миқдори ва брахиоцефал артерияларнинг калла суягидан ташқари бўлимларини рангли дуплекс сканерлаш кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик исботланган;

ММП миқдори ва каротид атеросклерози оғирлиги орасидаги корреляцион мутаносиблик ҳамда ММП ва уларнинг ингибиторлари миқдорининг уйқу артериялари АСП нотурғунлигига боғлиқлиги исботланган;

ММП-9 ҳамда АСП соҳасидаги томир ремоделланиши кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: ЮИК бўлган беморларда ММП-9 ва ТИМП-1нинг зардобдаги миқдорини ҳисобга олган ҳолда томирлар атеросклеротик пиллакчаси ҳолатини комплекс баҳолаш юрак-қон томир асоратлари ривожланиш ҳавфини ўз вақтида ташхислаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, ташхислаш ва даво муолажалари тасдиқланган стандартлар асосида амалга оширилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, амалиётга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокамалар қилингани натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уйқу артерияси атеросклерози мавжуд беморларда нотурғун АСП ривожланишининг муҳим патогенетик механизмларини аниқлаш, беморлар комплекс ультратовуш текширувида ремоделланиш кўрсаткичларини баҳолаш, ҳар бир беморда томирлар

патологик ўзгаришлари, уларнинг даражаси, тарқалганлиги ва гемодинамик аҳамиятини ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АСП ҳолатини тавсифловчи ультратовуш кўрсаткичларни, қон зардобиди ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорини аниқлаган ҳолда беморга индивидуал ёндашиб даволаш муолажалари рационал тактикасини танлашга эришилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Каротид атеросклерози мавжуд беморларда уйқу артериясининг стенозига боғлиқ равишда ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорларининг ўзгаришини ўрганиш натижалари асосида: «Каротид атеросклерозда юрак-қон томир асоратларини прогнозлаш учун дастур» ишлаб чиқилди. Ушбу дастур каротид стенози асоратларини прогнози учун хизмат қилди.

«Патогенетические механизмы нестабильности атеросклеротической бляшки: матриксные металлопротеиназы, их ингибиторы и цинк» услубий

8

қўлланма ҳамда «Способ прогнозирования нестабильности атеросклеротической бляшки» услубий тавсиянома чоп этилган. Олинган илмий натижалар Тиббий-санитария бирлашмасининг 1-Марказий клиник шифохонаси ва Тошкент тиббиёт академияси амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 8н-д/78-сон маълумотномаси). Натижада нотурғун атеросклеротик пилакчани самарали баҳолаш ҳамда атеросклероз ва унинг асоратларини салбий кечишини прогнозлаш усули яратилиб, нотурғун атеросклеротик пилакчали беморларни эрта аниқлаш, ушбу касалликни самарали олдини олиш ва даволаш ёндашувини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

маълумотларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Нотурғун атеросклеротик пиллакча ва унинг биомаркерларининг клиник-прогностик аҳамияти бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи**»да атеросклероз ҳақида замонавий тасаввурлар, нотурғун АСП тушунчаси, атеросклероз мавжуд беморларда юрак-қон томир асоратлари ривожланишида турли маркерларнинг клиник-прогностик аҳамияти, ММП ва уларнинг ингибиторлари, нотурғун атеросклеротик пиллакча биомаркерлари шарҳи батафсил келтирилган, ЮҚТТ касалликлари патогенезида, томирлар ремоделлашувида ММП ва унинг ингибиторлари роли ҳамда уларнинг атеросклероздаги прогностик аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган усуллар**»да клиник материалнинг умумий тавсифи келтирилган. Илмий иш Тиббий-санитария бирлашмасининг 1-Марказий клиник шифохонаси ва Тошкент тиббиёт академияси билан ҳамкорликдаги

9

илмий-текширув ишлар доирасида амалга оширилди. 100 нафар бемор текширилиб, улардан истисно қилиш мезонларини ҳисобга олган ҳолда чуқурроқ ўрганиш учун 90 нафар киши танлаб олинди. Танланмага кирган кишилар 45-89 ёшда бўлишди, ўртача $62,46 \pm 1,26$ ёш. Улардан 64 нафари (71,1%) эркаклар, ўртача $62,59 \pm 1,39$ ёш ва 26 нафар (28,9%) аёллар, ўртача $62,12 \pm 2,77$ ёш. Асосий нозологик шакллар ташхиси стационарда умумқабул қилинган мезонлар асосида қўйилди. Назорат гуруҳини саломатлигига шикояти бўлмаган юрак-қон томир касалликларининг объектив кўринишларисиз 17 нафар амалда соғлом (ўртача ёши $49,0 \pm 2,48$ бўлган) кишилар ташкил этди. Текшириладиган гуруҳлар ечиладиган вазифалардан келиб чиқиб шаклланди.

Тадқиқотдан чиқариб юбориш мезонлари қуйидагилар бўлди: ўткир миокард инфаркти, кардиомиопатиялар, ўткир миокардит, перикардит, чап қоринча отиш фракцияси 45% дан кам беморлар, бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, ҳавфли ўсмалар, бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари, жигар циррози, ўткир инфекцион касалликлар, пневмофиброз ва ўпканинг сурункали оғир обструктив касалликлари.

1-жадвал

Қўлланилган тадқиқот усуллари

Усуллар	Ускуналар
Умумий қон таҳлили	Sysmex KX-21N (Япония)

Биокимёвий қон таҳлили: -умумий холестерин (УХС), -юқори зичликдаги липопротеидлар холестерини (ЮЗЛ ХС), -паст зичликдаги липопротеидлар холестерини (ПЗЛ ХС), -триглицеридлар (ТГ)	Mindray BS-200 биохимик автомат анализатор (Хитой) Реактивлар - Human (Германия)
атерогенлик индекси (АИ), атерогенлик коэффиценти (АК)	АИ= ПЗЛ ХС/ЮЗЛ ХС АК= (УХС-ЮЗЛ ХС)/ЮЗЛ ХС
Иммунофермент таҳлили (ИФТ): -матрикс металлопротеиназаси-9 (ММП-9) -металлопротеиназанинг тўқима ингибитори -1 (ТИМП-1) -ММП-9/ТИМП-1 индексини аниқлаш	Plate Reader планшетли спектрофотометр (Hospitex Diagnostics, Италия) Реактивлар - Bender-Medsystems GmbH, (Австрия)
Электрокардиография 12 тармоқда (ЭКГ)	«AT101» аппарат-программа комплекси («Shiller», Швейцария)
Допплерэхокардиографик текширув (ЭхоКГ)	HD 3 Philips (Голландия) ва Samsung Medison SonoAce X6 (Корея)
Брахиоцефал артерияларнинг калла суягидан ташқари бўлимларининг рангли дуплекс сканерлаш (БЦА РДС)	HD 3 Philips (Голландия) ва Samsung Medison SonoAce X6 (Корея)
Материални статистик ишлов бериш усуллари	«Statistica for Windows» v. 6.0, StatSoft Inc. (АҚШ) дастури.

Бобда ишда қўлланилган тадқиқот материал ва усуллари таърифланган.
Беморларнинг умумклиник текширувига шикоятларни ўрганиш, анамнез

10

маълумотлари, антропометрик маълумотлар (ёш, жинс, бўй, тана вазни индекси (ТВИ)) ва кардиоваскуляр ҳавф омилларини баҳолаш кирди. Ҳар бир беморда анъанавий ҳавф омиллари (артериал гипертония, қандли диабет (ҚД2)нинг мавжудлиги, гиперлипидемия, никотин чекиш, мусбат оилавий анамнез) таҳлил қилинди. 1-жадвалда тадқиқотда қўлланилган усуллар келтирилган.

Учинчи бобда **«Зардобдаги ММП-9, ТИМП-1нинг миқдорини каротид стенози, АСП турғунлиги ва қандли диабет мавжудлигига боғлиқ ҳолда ўрганиш»** тақдим қилинган. Ушбу боб қон зардобиди ММП-9, ТИМП-1 концентрациясини липид алмашинуви кўрсаткичлари ва кардиоваскуляр ҳавф омиллари билан корреляцион ўзаро боғлиқлигини ўрганиш; ММП-9, ТИМП-1ни каротид атеросклерози оғирлик кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш; каротид атеросклерозли беморларда томир ремоделланиши ультратовуш кўрсаткичларини зардоб биомаркерлари

билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш; зардобда ММП-9, ТИМП-1 миқдорини каротид стенози даражаси, АСП турғунлиги ва қандли диабет мавжудлигига боғлиқ ҳолда ўрганиш; ММП-9 ва унинг тўқима ингибитори ТИМП-1 фаоллигини атеросклерознинг клиник охириг нуктаси (инсульт билан асоратланган каротид атеросклероз) мавжуд беморларда ўрганиш натижаларига бағишланган 5 та бобости қисмдан иборат.

Кардиоваскуляр ҳавф омиллари (ҲО) учраш сонини ўрганиш шуни кўрсатдики, танланган беморларда артериал гипертония (93%), гиперхолестеринемия (51%), қандли диабет (38%) ва семизлик (36%) кўпроқ ҳамда оилавий мойиллик (29%) ва чекиш (18%) камроқ учради. Барча пациентлар клиник жиҳатдан турғун бўлган. 9,6% беморлар 1 та ҳавф омилига, 30,1% касаллар – 2 та, 32,5% - 3 та ҲО, 20,3% пациентлар – 4 та ҳавф омилига ва деярли 5% беморлар - 4-5 ҳавф омилига эга эдилар. 0,9% беморда эса ҲО ҳақида маълумотлар йўқ эди. Ўртача ҳавф омили сони тахминан 1,8 бўлди.

Электрокардиография (ЭКГ) ҳамма беморларда ўтказилди, бунда 7% беморларда муҳим ўзгаришлар аниқланмади. 2 нафар беморлар Гис тутами чап оёқчасининг блокадасига ва 45 нафар беморлар коронар етишмовчилик белгилари ёки ЭКГда чандикли ўзгаришлар тахминига эга эдилар. 7,8% беморларда номахсус ЭКГ ўзгаришлар топилди.

Эхокардиография (ЭхоКГ) текшируви маълумотларига кўра, 45 нафар (61%) беморларда юрак деворларининг глобал ёки маҳаллий қисқаришининг бузилиши аниқланди. 73% беморларда ҳам ЭКГ, ҳам ЭхоКГдаги патологик ўзгаришлар аниқланди.

Липид спектри кўрсаткичлари миқдорини баҳолаш реагент йўриқномасида тақдим этилган референс қийматларга асосланиб ўтказилди, яъни УХС $\leq$ 5,7 ммоль/л, ТГ $\leq$ 1,71ммоль/л, ЮЗЛ ХС $\geq$ 0,9 ммоль/л, ПЗЛ ХС $\leq$ 4,5.

УХС (84%), ЮЗЛ ХС (68,5%), ПЗЛ ХС (90%) миқдорлари кўп беморларда нормал қийматлар чегарасида бўлди. Шунингдек, бу кўрсаткичлар ўртача миқдори нормал қийматларга эга бўлди. Буни 49%

11

беморларнинг статинлар қабул қилгани билан боғлаш мумкин. ТГ миқдори шартли нормал ва юқори қийматга эга кишилар сони орасида муҳим фарқ бўлмади (56% ва 44%, тегишлича, $p>0,05$), лекин умуман ТГ ларнинг ўртача миқдори беморлар гуруҳида баланд бўлди – 1,96 ммоль/л (2-жадвал).

2-жадвал

Беморлар зардобда липид профили кўрсаткичларининг тавсифи

Кўрсаткичлар	Минимум, Максимум, Медиана	Квартилл ар 25 75	М, m, σ	Шартли нормал миқдор (абс.сон, %)	Ошган миқдор* (абс.сон, %)
--------------	----------------------------------	-------------------------	---------------	--	----------------------------------

УХС, ммоль/л (норма≤5, 7)	3,1 8,1 4,8	4,3 5,4	4,96 0,12 1,05	n=61 (84%)	n=12 (16%) p<0,05
ТГ, ммоль/л (норма≤1,71)	0,54 6,92 1,56	1,34 2,26	1,96 0,13 1,14	n=41 (56%)	n=32 (44%) p>0,05
ЮЗЛ ХС, ммоль/л (норма>=0,9)	0,59 1,63 0,94	0,87 1,04	0,98 0,02 0,19	n=50 (68,5%)	n=23 (31,5%) p<0,05
ПЗЛ ХС, ммоль/л (норма≤4,5)	1,29 6,1 3,4	3,02 3,98	3,52 0,1 0,83	n=66 (90%)	n=7 (10%) p<0,05

Изоҳ: * - ЮЗЛ ХС учун – камайган миқдор.

Зардобдаги ММП-9, ТИМП-1 концентрацияси бўйича натижалар таҳлили бу кўрсаткичларнинг назорат гуруҳидаги миқдорига қараб ўтказилди. Назорат гуруҳида ММП-9 концентрацияси $191,33 \pm 9,51$ нг/мл, ТИМП-1 миқдори $1193,77 \pm 94,17$ нг/мл, ММП-9/ТИМП-1 эса $0,17 \pm 0,01$ ни ташкил қилди. Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларнинг каротид атеросклерозли беморлар қон зардобдаги миқдорининг тавсифи 3-жадвалда тақдим этилган.

3-жадвал

Беморлар қон зардобдаги кўрсаткичлар тавсифи

Кўрсаткичлар	Миниму м, Максим ум, Медиана	Квартил лар 25 75	М, m, σ	Шартли нормал миқдор* (абс.сон, %)	Ошган миқдор (абс.сон, %)
ММП-9, нг/мл (шартли норма ≤191,33)	28,1 1241,2 219,89	186,7 368,5	330,6 29,5 252,3	n=23 (32%)	n=50 (68%) p<0,05
ТИМП-1, нг/мл (шартли норма ≤1193,77)	775,5 3677,2 1413,3	1027,9 2128,3	1652,5 89,6 765,8	n=27 (37%)	n=46 (63%) p<0,05
ММП-9 /ТИМП-1 (шартли норма ≤0,17)	0,01 0,56 0,18	0,12 0,23	0,2 0,01 0,1	n=26 (36%)	n=47 (64%) p<0,05

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига асосан.

12


ММП-9 (2-139,4 нг/мл) ва ТИМП-1 (11-743 нг/мл) нинг референс қийматлари реактивлар йўриқномасида ва адабиётлар маълумотларига кўра (ММП-9<48 нг/мл) (Рагино Ю.И. ва б., 2009), (ММП-9 - 124,5±50,4 нг/мл ва ТИМП-1 - 253 нг/мл) (Головкин А.С. ва б., 2012), (ММП-9/ТИМП-1 - 0,11±0,03) (Cheng M. ва б., 2008) назорат гуруҳи натижаларига нисбатан анча пастроқ бўлди.

Олинган натижаларга кўра, зардобдаги ММП-9 68% текширилган каротид атеросклерозли беморларда ошди, 32%ида эса шартли нормал бўлди. ММП-9нинг ўртача миқдори гуруҳда баланд бўлди - 330,6 нг/мл.


Зардобдаги ТИМП-1 миқдори 63% беморларда ошди, 37%ида эса шартли нормал бўлди. Лекин умуман гуруҳда ТИМП-1 ўртача миқдори юқори бўлди – 1652,5 нг/мл.

ММП-9/ТИМП-1 нисбати 64% беморларда ошди, 36%ида эса шартли нормал қийматлар чегарасида бўлди. Бироқ гуруҳда ўртача миқдор баланд бўлди - 0,2.

Каротид атеросклерози мавжуд беморларда ММП-9, ТИМП-1 миқдорининг қондаги липид профили билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш натижалари қуйидагиларни аниқлаш имконини берди: зардобдаги ММП-9 ($r=0,18$, $p<0,05$), ТИМП-1 ($r=0,21$, $p<0,05$) ва триглицеридлар миқдори орасида мусбат корреляцион боғлиқлик, ТИМП-1 миқдорининг ЮЗЛ ХС билан тўғри ($r=0,34$, $p<0,05$), ПЗЛ ХС ($r=-0,16$, $p<0,05$), атерогенлик индекси ($r=-0,37$, $p<0,05$) ва атерогенлик коэффициенти ($r=-0,42$, $p<0,05$) қийматлари билан эса тескари корреляцион ўзаро боғлиқлик аниқланди. Кўп сонли регрессион таҳлил (КСРТ) ўтказилганда эса ММП-9 ($\beta=0,32$ ва $\beta=-0,26$, $p<0,05$, тегишлича) ва ТИМП-1 учун ($\beta=0,41$ ва $\beta=-0,42$, $p<0,05$, тегишлича) триглицеридлар ва атерогенлик коэффициентлари аҳамиятли чиқди (1-, 2-расмлар).



1-расм. ММП-9 ва АК ўзаро боғлиқлиги регрессион модели($r=-0,26$; $p<0,05$)



2-расм. ТИМП-1 ва АК ўзаро боғлиқлиги регрессион модели($r=-0,42$; $p<0,05$)

ҚД2 беморларда ТИМП-1 1,6 маротаба ва ММП-9 1,9 баробар (1881,24±146,47 нг/мл ва 373,24±55,01 нг/мл, тегишлича) соғлом кишиларга

13

(1193,77±94,17 нг/мл ва 191,33±9,51 нг/мл, тегишлича) нисбатан баланд бўлди. Шунингдек, зардобдаги ММП-9 ва глюкоза миқдорлари орасида мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r=0,2$; $p<0,05$).

БЦА РДС да уйқу артериялари томир деворида таркибий ўзгаришлар ҳамма беморларда аниқланди. Стеноз соҳасида интима-медиа комплекси қалинлиги (ИМКҚ) $1,23\pm0,14$ мм (1,1 ммдан 1,7 ммгача)ни ташкил қилди. АСП аниқланган беморларда маҳаллий АСП устунлик қилди (узунлиги 1,5 смдан кам), бироқ улар орасида 52% концентрик ва ярим концентрик ҳамда 12,7% маҳаллий (томир айланасининг бир деворини эгалловчи) пилакчалар топилди. 35,3% беморларда пролонгирланган АСП (узунлиги 1,5 см кўп) аниқланди. Гетероген зич компонент устунлиги бўлган АСП (Grey – Weal таснифи бўйича 3-тип) 47,1% ҳолларда, гиподенсив компонент устун бўлган гетероген АСП (2-тип) 29,5% ҳолларда аниқланди. Гетероген АСП орасида 3-тип иккинчисидан, гомоген АСП орасида эса гиподенсив (паст эхозичликдаги) пилакчалар устун бўлди (1 тип) – 20,1%, гиперденсив (юқори эхозичликдаги) – 4 тип 2,9% учради. Уйқу артерияси стенози даражасини (УАСД) уйқу артерияларининг максимал стенози соҳасида баҳоладди.

Стеноз 17 дан 100% гача бўлиб, ўртача $58,3\pm17,2\%$ ни ташкил қилди. Умумий уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлиги (УУА ИМКҚ) нормал бўлгани 90 нафардан 17 нафарида аниқланди. 73 нафар бемор патологик ўзгарган ИМКҚга эга эдилар, яъни 35,1%- I даража, 30,4%- II даража, 22,6%- III даража УУА ИМКҚ. Нотурғун АСПли (НАСП) беморларда нотекис юзали АСП устунлик қилди (86,4%), ва 13,6 %ида – текис юза эди.

Бундан ташқари нотурғун ёки бошқача айтганда, юқори эмбологен АСП пилакча юзасининг яраланиши билан изоҳланди (33,2%). ММП-9 ва ТИМП-1 миқдори стандарт ўлчаш нуктасидаги нормал ИМКҚ (УУА ИМКҚ<1мм) ва патологик қалинлашган ИМКҚ (УУА ИМКҚ>1мм) беморларда ўрганилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, ММП ва ТИМП миқдори ўрганилган гуруҳларда деярли бир хил бўлди (4-жадвал).

ММП-9, ТИМП-1 ва ММП-9/ТИМП-1 қийматининг УУА ИМКҚга кўра миқдорлари, $M\pm m$

Кўрсаткичлар	УУА ИМКҚ<1мм	УУА ИМКҚ>1мм
ММП-9 нг/мл	252,37±21,41	298,68±28,53
ТИМП-1 нг/мл	1377,89±69,13	1505,43±104,71
ММП-9/ТИМП-1	0,19±0,01	0,20±0,01

ММП-9 ва ТИМП-1 концентрациясининг уйқу артерияси стенози билан боғлиқлигини ўрганиш натижалари икки гуруҳда келтирилган (УАСД<50% ва

УАСД>50%). УАСД>50% гуруҳда ММП-9нинг зардобдаги миқдори УАСД<50% ва назорат гуруҳларга нисбатан 2,3 баробар баланд бўлди.

ТИМП-1 миқдори УАСД>50% гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 1,8 баробар баланд бўлди.

14

ММП-9/ТИМП-1 индекси УАСД>50% гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 1,5 карра баланд бўлди. УАСД<50% гуруҳи кўрсаткичларини назорат гуруҳи кўрсаткичларига солиштирганда, статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади (5-жадвал).


5-жадвал

ММП-9, ТИМП-1 ва ММП-9/ТИМП-1 индексининг УАСДга кўра миқдорлари ($M \pm m$)


Кўрсаткичлар	назорат	УАСД<50%	УАСД>50%	p (н-1)	p (н-2)	p (1-2)
ММП-9, нг/мл	191,33±9,51	197,42±10,39	453,25±48,81	>0,05	<0,000	<0,000
ТИМП-1, нг/мл	1193,77±94,17	1192,51±61,49	2076,11±131,03	>0,05	<0,000	<0,000
ММП-9 /ТИМП-1	0,17±0,01	0,18±0,01	0,22±0,02	>0,05	<0,01	>0,05

Изох. p (н-1)-1-гуруҳ ва назорат орасида, p (н-2)-2-гуруҳ ва назорат орасида, p (1-2)-1 ва 2-гуруҳлар орасида.


Маълумотлар корреляцион таҳлили ўтказилганда, УАСДнинг ММП-9, ТИМП-1 миқдорлари билан мусбат корреляцион ўзаро боғлиқлиги аниқланди ($r=0,47$, $r=0,53$, $p<0,000$, тегишлича) (3, 4-расмлар). Шунингдек, ММП-9 ва ТИМП-1 орасида мусбат ўзаро боғлиқлик аниқланди ($r=0,58$, $p<0,000$) (5-расм).



3-расм. ММП-9 ва УАСД ўзаро боғлиқлиги ($r=0,47$; $p<0,000$).



4-расм. ТИМП-1 ва УАСД ўзаро боғлиқлиги ($r=0,53$; $p<0,000$).



5-расм. ММП-9 ва ТИМП-1 ўзаро боғлиқлиги ($r=0,58$; $p<0,000$).

15

Каротид атеросклерозли беморларда томир ремоделланиши индексини баҳолаш қуйидагиларни кўрсатди: ташқи ремоделланиш 40% беморларда, яна 40%ида ремоделланиш аниқланмади, 20%ида ички ремоделланиш учради. Лекин умуман беморлар гуруҳида ички ремоделланиш устунлик қилди ва ремоделланиш индекси (РИ) $0,75 \pm 0,06$ ни ташкил қилди.

ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорларининг томир ремоделланиши кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилди. ИМКҚ, ИАД (интерадвентициал диаметр), ИМКҚ/ИАД, АСП майдони, РИ ўнг ва чап УУА кўрсаткичлари муҳим фарқ қилмагани учун биз фақат чап УУА кўрсаткичларидан фойдаландик (Дадова Л.В., 2008).

УАСД>50% беморларда УАСД<50% беморларга қараганда, уйқу артериясининг АСП майдони (210 мм^2 ва 180 мм^2 , тегишлича, $p<0,05$), УУА ИМКҚнинг стандарт нуқтадаги ўртача миқдори (1,1 мм ва 0,96 мм, тегишлича, $p<0,05$) ва максимал қийматлари (1,28 мм ва 1,17 мм, тегишлича, $p<0,05$), ИАД (9,09 мм ва 8,45 мм, тегишлича, $p<0,05$), ИМКҚ/ИАД (0,149 ва 0,117, тегишлича, $p<0,05$) кўрсаткичлари юқори бўлди. РИ ўртача миқдори эса УАСД>50% беморларда УАСД<50% беморларга нисбатан камроқ бўлди (0,99 ва 1,07, тегишлича, $p<0,05$). Олинган натижалар бошқа муаллифлар маълумотларига мос келади. ИМКҚ юқори даражадаги атеросклерозли беморларда ИМКҚ/ИАД УУА атеросклерози билан зарарланиш даражасини янада аниқроқ акс эттиради (Дадова Л.В., 2008).

Артериал ремоделланиш белгилари УАСД<50% беморларнинг ярмида ва УАСД>50% беморларнинг 38% ида аниқланмади. УАСД<50% беморларда ташқи ремоделланиш устун бўлса (33%), УАСД>50% беморларда эса, ички ремоделланиш устунлик қилди (51%).

УАСД>50% беморларда УУА атеросклеротик жароҳатининг ўзига хослиги ИМКҚ стандарт нуқтадаги ва АСП соҳасидаги юқори қийматлари, ИАД кўпроқ бўлиши ва асосан ички ремоделланиш ҳисобланади.

Зардобдаги ММП-9 миқдори НАСП гуруҳида турғун АСП (ТАСП) гуруҳига нисбатан 2,7 баробар юқори бўлди, назорат гуруҳига қараганда, 2,9 маротаба юқори бўлди. ТИМП-1 миқдори назорат ва ТАСП гуруҳига солиштирганда, НАСП гуруҳида 2 маротаба кўпроқ бўлди. ММП-9/ТИМП-1

индекси назорат гуруҳига нисбатан НАСП гуруҳида 1,4 баробар ошганлиги аниқланди. ТАСП ва НАСП гуруҳлари индексини солиштирганда гуруҳлар орасида статистик муҳим фарқ сезилмади (6-жадвал).

6-жадвал

ММП-9, ТИМП-1 ва ММП-9/ТИМП-1 индексининг АСП турғунлигига кўра миқдорлари ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	назорат гуруҳи	ТАСП бўлган беморлар	НАСП бўлган беморлар	p (н-1)	p (н-2)	p (1-2)
ММП-9, нг/мл	191,33±9,51	200,90±8,52	539,03±57,09	>0,05	<0,000	<0,000
ТИМП-1		1180,98±47,98	2410,21±123,82	>0,05	<0,000	<0,000
ММП-9 /ТИМП-1	0,17±0,01	0,18±0,01	0,24±0,03	>0,05	<0,001	>0,05

16

Уйқу артериясининг нотурғун АСПси мавжуд беморларда ММП 9/ТИМП-1 мувозанати бузилади, ММП-9, ТИМП-1 ва уларнинг нисбати зардобда ошади, бу АСПнинг нотурғунлигидан далолат беради.

Инсульт (ИС) билан асоратланган (ўртача даври $1,9 \pm 0,57$ йил) каротид атеросклерозли беморларда АСП нотурғунлигининг серологик маркерларини прогностик аҳамияти тадқиқотимизнинг кейинги босқичининг ўрганиш предмети бўлди. Беморлар ёш, жинс, АГ сони, гиперлипидемия, семизлик, ҚД2, анамнезида миокард инфаркти мавжудлигига кўра мос бўлган 2 гуруҳга ажратилди. Бироқ ИС мавжуд беморларда зўриқиш стенокардияси (96%) ИС йўқ беморларга нисбатан 1,1 баробар кўп бўлди. Шунингдек, ИС гуруҳида УУА ИМКҚ (1,2 баробар), УАСД (1,5 маротаба), РИ (1,04 карра) ўртача қийматлари ИС йўқ гуруҳига нисбатан юқорироқ бўлди.

Инсультдан кейинги ҳолат мавжуд беморларда инсульт йўқ беморларга нисбатан зардобдаги ММП-9 1,6 маротаба, ТИМП-1 1,5 баробар юқорироқ, бироқ ММП-9/ТИМП-1 индекси иккала гуруҳда деярли бир хил эканлиги аниқланди (7-жадвал).

7-жадвал

Зардобдаги ММП-9, ТИМП-1 ва ММП-9/ТИМП-1 индексининг инсульт мавжудлигига кўра миқдорлари

Кўрсаткичлар	ИС йўқ	ИС бор
ММП-9, нг/мл	272,32±28,42	435,92±60,60*
ТИМП-1, нг/мл	1417,96±88,38	2076,38±166,80**
ММП-9/ТИМП-1	0,19±0,01	0,21±0,02

Изох. * - $p < 0,02$, ** - $p < 0,001$.

Корреляцион таҳлилда инсулт учраши сонининг ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорлари билан биров мусбат боғлиқлик аниқланди ($r=0,31$ ва $r=0,35$; $p < 0,000$, тегишлича).

Диссертациянинг тўртинчи бобида шахсий тадқиқот натижаларининг муҳокамаси келтирилган.

ХУЛОСА

1. ММП-9, ТИМП-1 нинг липид алмашинуви кўрсаткичлари, кардиоваскуляр ҳавф омиллари билан боғлиқлиги аниқланди. ТГларнинг ошиши ММП-9 ва ТИМП-1 миқдорининг кўпайишига олиб келувчи омиллардан бири ҳисобланади. ТИМП-1 миқдорининг ЮЗЛ ХС билан тўғри, ПЗЛ ХС, атерогенлик индекси ва атерогенлик коэффициенти қийматлари билан эса тескари корреляцион ўзаро боғлиқлик аниқланди. Кўп сонли регрессион таҳлилга кўра эса ММП-9 ва ТИМП-1 учун триглицеридлар ва атерогенлик коэффициентлари аҳамиятли чиқди.

2. 2-тур қандли диабетнинг мавжудлиги ТИМП-1 миқдорининг 1,6 баробар, ММП-9 нинг 1,9 баробар ошишига олиб келади. ММП-9 миқдорининг глюкоза миқдори билан заиф тўғри боғлиқлиги аниқланди.

17

3. Уйқу артериясининг нотурғун АСПси мавжуд беморларда ММП 9/ТИМП-1 мувозанати бузилади, ММП-9, ТИМП-1 ва уларнинг нисбати зардобда ошади, бу АСПнинг нотурғунлигидан далолат беради.

4. Каротид стенози мавжуд беморларда ММП-9/ТИМП-1 мувозанати бузилади, уйқу артерияси стенози даражаси кўпайиши билан зардобдаги ММП-9 ва ТИМП-1 миқдори ошади. ММП-9 ва ТИМП-1нинг энг юқори қийматлари уйқу артерияси стенози даражаси 50%дан кўп бўлган каротид атеросклерозли беморларда аниқланди.

5. УАСД>50% беморларда томир ремоделланишининг ўзига хослиги ИМКҚ стандарт нуқтадаги ва АСП соҳасидаги юқори қийматлари, ИАД кўпроқ бўлиши ва томир деворининг қаттиқлигининг ошиши ва эластиклик хоссаларининг камайиши оқибатида асосан ички артериал ремоделланиш устунлиги ҳисобланади.

6. Клиник охириги нуқтаси мавжуд (инсулт ўтказган) беморлар гуруҳида инсулт бўлмаган беморлар кўрсаткичларига нисбатан зардобдаги ММП-9 концентрацияси 1,6 баробар, ТИМП-1 эса, 1,5 мартаба юқори бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ
ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

УСМАНОВА ЗАХРО АБДУВАЛИЕВНА

МАРКЕРЫ НЕСТАБИЛЬНОСТИ АТЕРОСКЛЕРОТИЧЕСКОЙ БЛЯШКИ В ПРОГНОЗИРОВАНИИ ДИНАМИКИ КАРОТИДНОГО АТЕРОСКЛЕРОЗА

**14.00.25 - Клинико-лабораторная и функциональная диагностика
14.00.06 – Кардиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

19

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан В2017.1.PhD/Tib2.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей. Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском) размещен на веб-странице Научного совета (www.tipme.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители: Арипов Абдумалик Нигматович

доктор медицинских наук, профессор

Розыходжаева Гульнора Ахмедовна

доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Шек Александр Борисович

доктор медицинских наук

Усманова Дурдона Джурабаевна
доктор медицинских наук

Ведущая организация: Первый Санкт-Петербургский государственный медицинский университет имени академика И.П.Павлова

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2017 г. в «_____» часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей. (Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирована №_____). Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел/факс: (99871) 268-17-44.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2017 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2017 года).

Х.А. Акилов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, к.м.н., доцент

Р.Д. Курбанов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии)

Актуальность проблемы и востребованность темы диссертации. В настоящее время болезни сердечно-сосудистой системы (ССС), связанные с прогрессированием атеросклероза и его осложнениями, являются главной причиной смерти во многих странах мира. Так, в Узбекистане в структуре смертности также лидируют заболевания СССР (59,3%)¹. У более 57% больных ишемической болезнью сердца (ИБС) находят атеросклеротические поражения не только в коронарных сосудах, но и в других сосудистых бассейнах, в частности каротидном². По данным официальной статистики Республики Узбекистан, в 2005 году смертность от них составила 380,9 человек на каждые 100 000 населения³. При этом до 91% смертности

обусловлено атеросклеротическим поражением коронарных сосудов. В Республике проводятся фундаментальные и клинические научные исследования, посвященные факторам риска, этиопатогенезу, диагностике, лечению и профилактику атеросклероза и заболеваний атеросклеротического генеза. В последние годы в Узбекистане уделяется большое внимание внедрению современных высокотехнологичных методов диагностики и лечения, изучению эффективности отечественных лекарственных препаратов, проведению генетических исследований, что даст возможность подобрать каждому пациенту необходимую терапию.

По материалам Всемирной Организации Здравоохранения каждый год 7,4 миллиона человек умирают от ИБС⁴. Нестабильность атеросклеротической бляшки (АСБ) является главной причиной инфаркта миокарда (ИМ) и инсульта. Вместе с тем, склонные к разрыву АСБ сонной артерии являются независимыми факторами риска, наличия коронарного атеросклероза и развитие ИМ. На сегодняшний день широко обсуждается роль матриксных металлопротеиназ (ММП) и их тканевых ингибиторов (ТИМП) в патогенезе нестабильности АСБ. Существует мнение, что в нестабильной АСБ протеолитический фермент-ММП-9 продуцируются активированными макрофагами и приводит к деградации внеклеточного матрикса. ММП-9 расщепляет коллаген интимы сосудов и приводит к разрастанию АСБ. Это повышает риск разрыва бляшки и вызывает тромбоз сосуда. Существует дисбаланс между ММП и ТИМП в нестабильных АСБ сонных артерий, что определяет уровни этих маркеров в плазме крови⁵. Уточнение диагностического и прогностического потенциала биомаркеров

¹ Курбанов Р.Д., Уринов О.У. Профилактика основных факторов риска основа снижения смертности от сердечно-сосудистых заболеваний// Здравоохранение Узбекистана. – 2011. - № 42 (www.med.uz) ² Бокерия Л.А., Мерзляков В.Ю., Ключников И.В., и др. Хирургическая тактика при сочетанном поражении коронарных и сонных артерий// Анналы хирургии. - 2011. - № 2. - С. 59-63.

³ Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. "Здравоохранение в Узбекистане: факты и цифры", статистический сборник. - Ташкент. - 2006. – 56 с.

⁴ <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs317/ru/>.

⁵ Sapienza P., di Marzo L., Borrelli V. et al. Metalloproteinases and their inhibitors are markers of plaque instability// Surgery. - 2005. - vol. 137.- pp. 355-363.

при ИБС, оценка перспектив применения их в качестве новых терапевтических мишеней при атеросклерозе, являются актуальными направлениями научных исследований.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2011 г. за №ПП-1652 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и

технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Современные исследования по биологическим маркерам и атеросклерозу показали, что сложность выбранной проблемы определяется вариабельностью измеряемых параметров, а также сложной патофизиологией атеросклеротического процесса.

Анализ научных трудов таких исследователей, как Ю.И. Рагино, А.М. Чернявский, Я.В. Полонская, А.М. Волков, Е.М. Пальцева, О.А. Овчинникова, А.О. Шевченко, Л.Р. Токлуева, В.С. Шишкина, В. Alvarez, C. Ruiz, P. Chacón, S.H. Heo, C.H. Cho, H.O. Kim, A.C. Newby, J.R. Romero, R.S. Vasan, P. Sapienza, L. di Marzo, V. Borrelli, D. Silvello, L.B. Narvaes, L.C. Albuquerque, показали необходимость и злободневность исследований биомаркеров в качестве факторов риска прогрессирования атеросклероза. Несмотря на значительное число публикаций и исследователей, патогенетические процессы, приводящие к разрыву АСБ, изучены недостаточно и не совсем понятны.

Согласно результатам зарубежных учёных (I.M. Loftus, A.R. Naylor, P.R. Bell, H.R. Lijnen) ММП-9 участвует в деградации структурных компонентов соединительнотканного матрикса АСБ, таких как коллагены IV, V, VII, X, XII и эластин, что приводит к дестабилизации АСБ. По данным P. Heider, J. Pelisek, H. Poppert, H.H. Eckstein у больных со стабильной и нестабильной стенокардией уровни матриксной металлопротеиназы-9 связаны с относительным риском сердечно-сосудистой смертности, равным 2,7 (95%, ДИ от 1,4 до 5,0). Недостаточно изучена связь уровня матриксной металлопротеиназы-9 в плазме с ишемическим инсультом или сердечно-сосудистой смертностью у пациентов со стенозом сонных артерий.

В поиске диагностических маркеров в последние годы в Узбекистане получило развитие одно из перспективных направлений - использование протеомных технологий, благодаря исследованиям А.Н. Арипова, Л.М. Фесенко. Они указали, что основной идеей протеомных технологий является идентификация определенных белков, которые присутствуют только в пораженных тканях или клетках и/или выделяются во внешнюю среду или внутренние среды организма.

По данным J.A. Ehrin, A.M. David, M.D. Morrow, E.T. Fung, A.M. Wilson, F.Zhang, панели биомаркеров и показатели индексов начинают

22

использоваться в медицине для уточнения диагноза и в вопросах прогнозирования. T.J. Wang, P. Gona, M.G. Larson использовали комбинацию несколько биомаркеров Фремингемского исследования для прогнозирования сердечно-сосудистых исходов и смертности, и обнаружили умеренное дополнение прогностической значимости традиционных биомаркеров.

В настоящее время диктуется необходимость усилить внимание исследователей на изучение групп биомаркеров уязвимых бляшек и изучение новых биомаркеров в поисках панели со значительной прогностической

ценностью. Рандомизированных контролируемых исследований и метаанализов по-прежнему недостаточно. Современные шкалы риска и диаграммы для выявления пациентов с высоким риском сердечно сосудистых осложнений должны включать биомаркеры в качестве одной из своих основных кумулятивных компонентов. Следует учитывать, что не все подвергшиеся разрыву АСБ являются симптомными.

